



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2026 йил 6 август, № 159 (9330)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАЙЛИК!

ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Президент Шавкат Мирзиёев 5 август куни чорвачилик ва паррандачилик тармоқларини ривожлантириш, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда соҳага замонавий технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда аҳоли сони ва туризм оқимининг ўсиши озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ҳам оширмоқда. Ҳозирги кунда гўштга бўлган йиллик талаб 2 миллион 150 минг тоннани, ишлаб чиқариш ҳажми эса 1 миллион 600 минг тоннани ташкил этмоқда.

Шу боис тақдимотда 2026-2028 йилларда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича ишлаб чиқилган комплекс чоралар муҳокама қилинди.

Фаолият юритмаётган қорхоналарни тиклаш, чорвачиликка ихтисослаштирилган туманларни қўллаб-қувватлаш, аҳоли хонадонларида енгил конструкцияли молхоналар қуриш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига қўшимча 190 минг тонна гўшт ишлаб чиқариш имконияти мавжудлиги қайд этилди.

Жумладан, фаолияти тўхтаб қолган 103 та чорвачилик қорхонасини соғломлаштириш режалаштирилган. Уларнинг қарзларини реструктуризация қилиш ёки ўн йилга бўлиб тўлаш, озуқа етиштириш учун ер майдонлари ажратиш ва насли моллар билан таъминлаш тақлиф этилди. Натижада 33 минг бош қорамол парваришланиб, йилга 12 минг тонна гўшт ва 40 минг тонна сут ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Чорвачиликка ихтисослаштирилган 13 та туманда 75 минг гектар озуқа майдонидан самарали фойдаланиш, кичик чорвачилик лойиҳаларини молиялаштириш, сут қабул қилиш пунктлари ва озуқа сотиш шохобчаларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, аҳоли хонадонларида 20 сотих майдонда енгил конструкцияли 11 мингта молхона қуриш ва уларда 421 минг бош қорамол парваришлаш режалаштирилган.

Умумий қиймати 3 триллион сўм бўлган 802 та янги лойиҳа доирасида 68 минг бошдан зиёд қорамол ҳамда 186 минг бош қўй ва эчки парваришлаш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳалар йилга қўшимча 20 минг тонна гўшт ва 120 минг тонна сут ишлаб чиқариш имконини беради.

Қорақалпоғистон мисолида чорвачилик комплексларини соғломлаштириш бўйича сунъий интеллект ёрдамида тайёрланган таҳлил натижалари ҳам кўриб чиқилди. Ўрганилган 20 та комплекснинг қарзи 109,6 миллиард сўмни ташкил этиб, уларнинг ярми юқори хавфли тоифага киритилган. Аксарият объектларда озуқа майдонлари ва зарур инфраструктура етарли эмас.

Шундан келиб чиқиб, қарз юқини енгиллаштириш, озуқа базасини шакллантириш, комплексларни дастлаб пилот тартибда, кейинчалик босқичма-босқич ишга тушириш ва насли моллар билан таъминлаш бўйича тақлифлар билдирилди.

Мўғлистондан 150 минг бош қўй, Хитой ва Европа давлатларидан 100 минг бош насли қорамол, Беларусь Республикасидан 2 минг бош мол

олиб келиш режалаштирилмоқда. Бу орқали йилга қўшимча 44 минг тонна гўшт ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Умуман, чорвачилик тармоғини ривожлантириш учун 463 миллион доллар миқдорида маблағ йўналтириш кўзда тутилган.

Аҳоли хонадонлари ва чорвачиликка ихтисослаштирилган маҳаллаларни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Республиканинг 191 та туманида 2 минг 407 та чорвачиликка ихтисослаштирилган маҳалла мавжуд бўлиб, уларда 823 мингта хонадон ва 3,9 миллион нафар аҳоли истиқомат қилади.

Ушбу хонадонларга арзон чорва моллари етказиб бериш, сигирларни сунъий уруғлантириш, ем-хашак таъминоти ва зооветеринария хизматларини яхшилаш, наслдор бузоқларни идентификация қилиш ҳамда улар учун субсидия ажратиш тақлиф этилди. Натижада хонадонларда чорва бош сони ва маҳсулдорлик ортиши, аҳоли учун қўшимча даромад манбалари яратилиши кутилмоқда.

Наслчилик соҳасида 13 та туманда ҳар бири 200 бош қорамолга мўлжалланган хўжаликлар ташкил этиш, йилга 500 минг бош сигирни сараланган уруғ билан сунъий уруғлантириш ва эмбрион трансплантацияси технологияларини кенг жорий қилиш режалаштирилган.

Тақдимотда Ўзбекистон чорвадорлар уюшмасини ташкил этиш тақлифи ҳам кўриб чиқилди. Янги тузилма чорвадорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, кооперацияни ривожлантириш, наслчилик ишлари, илмий тадқиқот ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш, молиявий кўмак кўрсатиш ҳамда ташқи бозорларга чиқишга кўмаклашиш билан шуғулланади.

Фермерлар ва аҳоли учун “Smart Farmer” ягона рақамли ёрдамчиси ҳам тақдим этилди. Мобиль илова орқали чорва молларини идентификация қилиш, ветеринар қақариш, сунъий уруғлантириш, озиқлантириш ва яйловларни бошқариш бўйича маълумот олиш, субсидияларга мурожаат қилиш ва сунъий интеллект асосида маслаҳат олиш мумкин бўлади.

Паррандачилик соҳасида умумий қиймати 432 миллион доллар бўлган лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Мазкур лойиҳалар ҳисобига 2028 йилгача қўшимча 100 минг тонна парранда гўшти ишлаб чиқариш, озуқа-ем қувватини 3,3 миллион тоннага етказиш ва замонавий сўйиш тизими қамровини 20 фоиздан 50 фоизга ошириш мақсад қилинган.

Давлатимиз раҳбари лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини чуқур таҳлил қилиш, маблағларни манзилли йўналтириш, рақамли ҳисоб ва мониторинг йўлга қўйиш, ички бозорни сифатли ва ҳамёнбоп маҳсулотлар билан барқарор таъминлаш бўйича мутахаддиларга топшириқлар берди.

Ў.А.



Халқаро фазовий ташаббус:

«САМАРҚАНД — 2028» — КОИНОТДА

Ватанимиз мустақиллигининг 35 йиллик тантаналари арафасида оламшумул янгилик — “Самарқанд — 2028” сунъий йўлдоши Ер орбитасига муваффақиятли чиқарилди.

Бу ҳақда бутун дунё оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар бонг урди. Таъбир жоиз бўлса, “Самарқанд” деган сўз юзлаб тилларда янгради.

Хушхабар

...2026 йил 5 август, Тошкент вақти билан соат 07:32. Хитойнинг “Хайян” космодромида “STAR.VISION” компанияси томонидан яратилган “Самарқанд — 2028” Ерни масофадан зондаш гиперспектрал аппаратига старт берилди. “Ўзбеккосмос” агентлиги вакили Нодирбек Муқимовнинг таъкидлашича, Ўзбекистон муҳандислари томонидан ишлаб чиқилган ташқи сунъий интеллект модули Хитой компаниясининг сунъий йўлдошига интеграция қилинган. Бир сўз билан айтганда, бу лойиҳа икки мамлакатнинг космос соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги меvasидир.




— Қурилмани орбитага чиқариш Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган космосни ривожлантириш борасидаги стратегиянинг мевасидир, — деди Нодирбек Муқимов. — Бу ютуқларнинг ҳуқуқий асосини ўтган йил январь ойида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Космик фаолият тўғрисида”ги Қонуни ташкил этади. Мазкур халқаро лойиҳани амалга ошириш борасидаги сазй-ҳаракатлар Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ҳам ўз аксини топган эди.



НУРЛИ, ШУКУҲЛИ, ШАРАФЛИ

Сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг
«МИЛЛАТ ШАВКАТИ» китобини ўқиб...



Давлат раҳбари ҳақида ёзишга жазм этиш катта ва жиддий тайёргарликни тақозо этади. Раҳбарнинг ҳаёт йўли, фаолияти, шахс сифатида шаклланиши, дунёқараши, тафаккур тарзи, зехнияти, янгидан-янги муаммоларга шайлиги... то бир-биридан мураккаб ва чорасиз вазиятларда чора топа олишигача бўлган маҳорати... Очиғи, бу санокдан ташқарида қолган мавзулар оз эмас. Миқёсни бу қадар катта ва кенг олишининг эса ҳар ким уйдасидан чиқавермайди. Шижоати панд беради. Яна ҳаётини тажриба, синчковлик, кенглик, фикрлаш ва ёзиш лаёқатидан-да муҳимроқ маънавий ҳақ-ҳуқуқ масаласи кўндаланг бўлади.

Мутолаа

Буюк олмон шоири Гёте шоир киши дунёни эстетик қадриятлар мезонларида идрок этишга ўзини маънан ҳақли деб ҳисобламоғи муҳимлигини алоҳида таъкидлаган эди. Давлат раҳбари ҳақида фикрлаш, ёзиш, мулоҳаза юритиш ва ҳулосалар чиқариш мезонларига ўзини — ўзлигини лойиқ ва муносиб кўриш, ўзини ана шундай қутлуғ миссияга маънан ҳақли деб билиш... “Миллат Шавкати” китобини ўқиш асосида шу борадаги ўй-хаёллар тарқ этмайди китобхонни.

Мамлакатимизда давом этаётган тарихий ўн йиллик янгилиниш жараёнлари алоҳида ижодий сало-

ҳият мақомларидагига қамраб олиниши мумкинлиги таниқли сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов асарлари мисоли ва тимсолида кўзга ташланмоқда.

Муаллиф китобга жо бўлган 12 та мақоланинг ҳар бир мавзусига, асосан, уч йўналишда ёндашади. Булар:

— Ватанимизда кейинги 10 йил мобайнида амалга оширилган ва оширилаётган ислохотлар силсиласи;

— ислохотларнинг бош меъмори, ташаббускори ва раҳнамоси бўлиши муҳтарам Президентимиз тимсоли;



Йиғилиш

УСТУВОР ГЛОБАЛ РЕЙТИНГЛАР — ИСЛОҲОТЛАР КЎЗГУСИ

Изчил давом этаётган ислохотлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида қатор халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистоннинг ўрни яхшилланганлиги нуфузли агентликлар томонидан эътироф қилинмоқда.

Хусусан, “Fitch Ratings” ва “S&P” агентликлари Ўзбекистоннинг суверен кредит рейтингини кутилмасини “барқарор”дан “ижобий”га оширди, шунингдек, “Moody’s” агентлиги республиканинг кредит рейтингини баҳосини “Ba3” “ижобий”дан 1 поғона юқорига — “Ba2” “барқарор” кутилмага кўтарди.

Кеча Олий Мажлис Сенати Раиси, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгашининг навбатдаги йиғилишида ушбу масалалар атрофича муҳокамага тортилди.

Уни Олий Мажлис Сенати Раиси, Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши Раиси Танзила Нормоева олиб борди. Таъкидланганидек, Иқтисодий эркинлик индексида Ўзбекистон 14 поғонага юқорилаб, 184 та давлат орасида 86-ўринни эгаллади. Олдинги йилларда “асосан, эркин бўлмаган” мамлакатлар сафида бўлган Ўзбекистон 60,3 балл билан илк бор “ўртача эркин” (“moderately free”) давлатлар қаторига кирди.

Шунингдек, “Аёллар, бизнес ва қонун” индексида Ўзбекистон 43 поғонага юқорилаб, 190 та давлат орасида 48-ўринни эгаллади. Ўзбекистон гендер тенглик соҳасида энг катта натижаларга эришган муҳим ҳуқуқий ислохотларни амалга оширган мамлакатлар қаторига киритилиб, аёлларнинг иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш йўналишида

“ТОП — 5” (Марказий Осиёда биринчи, Европада учинчи) давлатлар қаторидан жой олди.

Айни чоғда олиб борилаётган ислохотлардан келиб чиқиб, янги устувор халқаро рейтинглар билан ишлаш зарурати юзага келаятганлиги ҳам таъкидланди.

Хусусан, сунъий интеллект соҳасини изчил ривожлантириш, рақамли технологияларни кенг жорий қилиш ва халқаро тавсиялар асосида мамлакатимизнинг ушбу йўналишдаги позицияларини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада “Oxford Insights” халқаро ташкилотининг Ҳукуматнинг сунъий интеллектга тайёргарлик индекси юритилиши бошлангандан (2020 йилдан) бери кўрсаткичлар 33 поғонага яхшилانган (2025 йилда 62-ўрин, 2020 йилда 95-ўрин) ва Ўзбекистон МДҲда энг юқори натижага эришган мамлакатга айланган.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш, экологик барқарорлиқни таъминлаш ҳамда халқаро ташкилотлар тавсиялари асосида экологик сиёсатни янада такомиллаштириш ҳам тақозо этиляпти. Жумладан, АҚШнинг Йель университети ҳамда Колумбия университети томонидан юритиладиган Атроф-муҳит самарадорлиги индексида 2026 йилда Ўзбекистон 177 та давлат орасида 121-ўринни эгаллаган (2024 йилда 107-ўрин).



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ИНВЕСТИЦИЯЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси томонидан “Капитал бозори тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши ўтказилди.

Ушбу ҳужжат мамлакатимизда капитал бозорини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш ва замонавий молиявий воситалардан фойдаланиш им-

кониятларини яратишга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан аҳоли ва инвесторлар учун янги молиявий воситалар, хусусан, сукук — ислом об-

лигациялари, барқарор ривожланиш облигациялари, қопланган ва секьюритизацияланган облигациялар муомаласига киритилади. Бу эса аҳоли ва инвесторлар учун маблағ йўналтириш имкониятларини кенгайтириш, инвестицияларни иқтисодиётга жалб этиш ва капитал бозорини ривожлантиришга хизмат қилади.



Аграр соҳа:

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЁРҚИН НАМУНАСИ

Мустақиллигимизнинг 35 йиллиги муносабати билан мамлакатимиз босиб ўтган улкан йўлни таҳлил қилиш учун асосларимиз етарли. Айниқса, иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири — қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ўзгаришлар бугун Янги Ўзбекистон тараққиётининг энг ёрқин намунаси сифатида намоён бўлмоқда.

Таҳлил

2016 йилдан бошлаб Президентимиз раҳбарлигида қишлоқ хўжалигида мулақо янги босқич бошланди. Аграр соҳани эркин бозор тамойиллари асосида ривожлантириш, фермерларнинг иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаш, инвестициялар ва инновация-

ларни кенг жалб этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди.

Энг муҳим ўзгаришлардан бири — пахта ва галла бўйича давлат буюртмасининг бекор қилиниши бўлди. Бу қарор фермерларга етиштирилган маҳсулотни эркин сотиш, бозор талабидан келиб чиқиб иш юритиш ҳамда ўз меҳнати натижасидан манфаатдор бўлиш имконини яратди.



ТИББИЁТ ТАЪЛИМИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Бугун тиббиёт олий таълим муассасалари зиммасига малакали мутахассис етиштириш баробарида соғлиқни сақлаш тизимининг эртанги тараққиётига хизмат қиладиган илмий мактабларни шакллантириш, халқаро тажрибаларни жорий этиш ва тиббий хизмат сифатини янги босқичга олиб чиқишдек улкан масъулият юкланмоқда. Ана шундай эзгу мақсадлар йўлида 70 йилдан буён фаолият юритиб келаётган Андижон давлат тиббиёт институти минглаб етук шифокорлар, олимлар, профессор-ўқитувчилар ва соғлиқни сақлаш тизими раҳбарларини етиштириб берди.

Нўқтаи назар

Сўнгги беш йил эса институт тарихида туб бурилишлар даври бўлди. 2021 йил сентябрь ойида Президентимиз Андижон давлат тиббиёт институти клиникасига ташриф буюриб, у ердаги шароитлар билан яқиндан танишди.

Мазкур клиника 1975 йилда қуриб битказилган бўлиб, институтимиз талабаларининг амалий машғулотларини ўтказиш учун асосий базалардан бири сифатида хизмат қилиб келатган эди. Бирок вақт ўтиши билан бинолар эскириб, замонавий тиббиёт талаблари асосида фаолият юритиш учун зарур шароитларни яратиш эҳтиёжи юзага келди. Давлатимиз раҳбари ташриф давомиди клиникадаги мавжуд ҳолатни ўрганиб, тўлиқ реконструкцияни амалга ошириш, замонавий тиббий марказга айлантириш бўйича муҳим вазифаларни белгилаб берди. Унга кўра, клиника негизида водий аҳолиси учун кардиология, нейрохирургия, кўз касалликлари ва урология йўналишларида мураккаб операцияларни бажариш имкониятига эга бўлган замонавий тиббиёт марказини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Ушбу ташаббус кенг кўламли ислохотларнинг муҳим пойдевориغا айланди. Қурилиш ва бунёдкорлик ишлари жадал олиб борилди. 2024 йилнинг июль ойида муассаса ўз ҳудудидидаги 2 гектар ер майдонида 2000 ўринга мўлжалланган ҳолда қад ростлади ва жиҳозлашиб фойдаланишга топширилди. 650 ўринли замонавий бинонинг Андижон давлат тиббиёт институти балансига ўтказилиши, уни мукамал таъмирлаш ва энг замонавий ускуналар билан жиҳозлаш учун 180 млрд. сўм маблағ ажратилгани эса таълим ва амалиёт интеграцияси мутлақо янги босқичга чиқишига йўл очди.

Муассаса қисқа вақт ичида нафақат даволаш маскани, балки талабалар учун амалий таълим, илмий изланишлар ва замонавий тиббий технологияларни жорий этиш марказига айланиб улгурди. Клиника эндиликда бир вақтинч ўзида 11 минг нафардан ортқ талабаларнинг назарий билимларини бевосита амалиёт билан уйғунлаштириш имконини бермоқда.

Президентимиз институт симуляцион маркази фаолиятини янада ривожлантириш, тиббиёт ходимларининг малакасини икки босқичли баҳолаш тизимини йўлга қўйиш, клиника ҳудудида травматология, педиатрия, жарроҳлик ва гинекология йўналишлари бўйича янги замонавий бўлимларни барпо этиш каби ташаббусларни қўллаб-қувватлади. Ушбу лойиҳалар ижросига қўшимча 100 млрд. сўм маблағ ажратилиши маъқуллангани институтимиз олдида турган улкан вазифаларни амалга ошириш учун мустаҳкам асос яратди.

Илмий-амалий муҳит ва ёшлар салоҳияти

Илм-фан ва таълим сифатини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш йўлидаги сайъ-ҳаракатлар ўз самарасини бериб, институт 2024 йилдаёқ "U1 GreenMetric World University Ranking" халқаро рейтингига киритилди. Даволаш иши (ўзбек, рус ва инглиз тилларида) ҳамда стоматология таълим дастурларининг Қозоғистон Республикасининг "ЭСАҚА" халқаро аккредитациясидан муваффақиятли ўтгани эса институтда таълим си-

фати халқаро мезонларга мос равишда ташкил этилганининг яна бир тасдиғи бўлди.

Клиникамиз замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан босқичма-босқич жиҳозланиб, талабалар, клиник ординаторлар ва ёш мутахассислар учун ноёб амалий мактаб вазифасини бажармоқда. Келгусида травматология, педиатрия, болалар жарроҳлиги ва гинекология йўналишлари бўйича янги бўлимлар барпо этилиши натижасида клиникадаги ўринлар сонини 850 тага етказиш режалаштирилган.

Институт симуляцион маркази ҳам бугун-

“Таъкидлаш жоизки, институт томонидан сўнгги беш йилда таълим ва илм-фан билан биргаликда ҳудуд аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш, маънавий-маърифий муҳитни юксалтириш, инновацияларни жорий этиш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Институтнинг 34 та клиник кафедраси вилоятнинг 17 та шаҳар ва туманига бириктирилиб, жойларда қўллаб-маъруза, семинар, давра суҳбатлари ва тиббий кўриклар ташкил қилинди. Ўтказилган тиббий кўрикларда 750 мингдан зиёд аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатилди. Юқори технологик операциялар амалга оширилиб, профессор-ўқитувчилар томонидан туманларда 260 та мураккаб жарроҳлик амалиёти бажарилди.

ги кунда тиббий таълимнинг ажралмас қисмига айланди. Марказда шифокорлар ва ўрта тиббиёт ходимларининг касбий малакасини икки босқичда баҳолаш тизимини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Симуляцион марказда муваффақиятли аттестациядан ўтган тиббиёт ходимларига қўшимча 100 фойзал устама белгиланиши эса уларнинг касбий маҳорати янада ўсишига хизмат қилмоқда.

Сўнгги йилларда институт клиникасида юқори технологик тиббий амалиётлари жорий этиш борасида ҳам муҳим натижаларга эришилди. Хусусан, институтимиз мутахассислари томонидан 2 нафар беморда жигар, 17 нафарда буйрак қўчириб ўтказиш мураккаб жарроҳлик амалиётлари муваффақиятли амалга оширилди. Шундан, икки беморга жигар ва яна икки нафарига буйрак қўчириб ўтказиш операциялари Республика миллий тиббиёт марказининг етук мутахассис олимлари билан, қолган беморларда эса буйрак қўчириб ўтказиш академик В. Вохитов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази олимлари билан ҳамкорликда бажарилди. Бу нафақат вилоят, балки бутун республика тиббиётида муҳим воқеа бўлди.

Ҳозирда клиникада деярли барча турдаги мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилмоқда. Дуал таълим тамойилларининг амалиётга татбиқ этилиши эса бўлажак шифокорларнинг касбий тайёргарлигини янги босқичга олиб чиқаётир.

Халқаро ҳамкорлик кўлами

Сўнгги беш йилда Андижон давлат тиббиёт институтида халқаро ҳамкорлиқни ривожлантириш стратегик йўналишлардан би-

рига айланди. Бу борада амалга оширилган ишлар туфайли институтнинг жаҳон майдонидаги нуфузи сезиларли даражада мустаҳкамланиб, ҳамкорлик географияси тобора кенгаймоқда.

2022 йилда Россия Федерацияси, Германия, Туркия ва Малайзиянинг етакчи олий таълим муассасалари билан тўққизта янги ҳамкорлик меморандуми имзоланган эди. 2023 йилда Жанубий Корея, АҚШ, Хиндистон, Беларусь, Тожикистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлар билан 14 та янги шартнома тузилди. 2024 йил эса 13 та давлатнинг нуфузли олий таълим муассасалари билан 19 та янги келишув имзоланди.

2025-2026 йилларда ҳам бу изчиллик давом этиб, Озарбайжон, Грузия, Польша, Хитой, Туркия, Россия ва бошқа мамлакатларнинг олий таълим муассасалари билан истиқболли лойиҳаларга асос солинди. Ушбу келишувлар профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви, қўшма таълим дастурлари, илмий изланишлар, инновацион технологияларни жорий этиш ҳамда халқаро



300" таликдаги нуфузли хорижий университетлар дастурлари асосида 226 та фан дастури такомиллаштирилиб, кредит-модуль тизимига ўтилди. Талабалар сони 11 минг нафардан ошди, замонавий тиббиёт талабларидан келиб чиқиб янги йўналишлар очилди. Шунингдек, "Регистратор офиси" ташкил этилиб, талабаларга кўрсатиладиган хизматлар шаффоф ва тезкор тизимга ўтказилди.

Битирувчилар бандлиги доимий эътиборда

Институтимизда "Келажакка қадам" маркази ташкил этилиб, ёш мутахассисларнинг мустақил фаолият бошлашига кенг имкониятлар яратилмоқда.

Дастур доирасида институтнинг 126 нафар битирувчиси хусусий тиббиёт, фармацевтика, стоматология ва диагностика йўналишларида ўз бизнесини бошлаши учун жами 4 млрд. 746 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари ажратилди. Хусусан, 2025/2026 ўқув йилининг ўзида 71 нафар ёш шифокорга 1 млрд. 131 млн. сўмлик молиявий кўмак берилди. Шунингдек, жорий ўқув йилида олийгоҳни 1890 нафар ёш мутахассис таъмонлаб, уларнинг маҳаллий битирувчилар орасида бандлик кўрсаткичи 86,6 фоизни ташкил қилди. Қолган битирувчилар эса магистратура ва ординатурада ўқишни давом эттирмоқда. Бу институтида кадрлар тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлаш тизимининг пухта ишлаётганини аққол кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, институт томонидан сўнгги беш йилда таълим ва илм-фан билан биргаликда ҳудуд аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш, маънавий-маърифий муҳитни юксалтириш, инновацияларни жорий этиш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Институтнинг 34 та клиник кафедраси вилоятнинг 17 та шаҳар ва туманига бириктирилиб, жойларда қўллаб-маъруза, семинар, давра суҳбатлари ва тиббий кўриклар ташкил қилинди. Ўтказилган тиббий кўрикларда 750 мингдан зиёд аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатилди. Юқори технологик операциялар амалга оширилиб, профессор-ўқитувчилар томонидан туманларда 260 та мураккаб жарроҳлик амалиёти бажарилди.

Шунингдек, "Саломатлик акцияси" доирасида қўшимча 154 та юқори технологик операция ўтказилди. Бундан ташқари, 28 нафар онколог ва 32 нафар гематологнинг малакаси оширилиб, жойларда тиббий хизмат сифатини яхшилашга амалий кўмаклашилди.

Мадамин МАДАЗИМОВ, Андижон давлат тиббиёт институти ректори, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

СОПОЛЛИТЕПА ЯНА ДУНЁНИ ҲАЙРАТГА СОЛДИ

Сурхондарё вилоятида жойлашган Сополлитепа ёдгорлиги жаҳон илм-фани нигоҳини яна ўзига қаратди. Ўзбекистон Фанлар академияси Антропология институти олимлари ва халқаро тадқиқотчилар гуруҳи мазкур ёдгорликдан топилган пилла парчаларини замонавий микроморфологик ва протеомик таҳлиллардан ўтказди.



Мозийдан садо

Тадқиқотга академик Аҳмадали Асқоров ва профессор Фарҳод Мақсудов раҳбарлик қилди. Топилмалар тўғридан-тўғри хонаки ипак куртига тегишли экани тўлиқ тасдиқланди. Изланиш натижалари дунёнинг энг нуфузли илмий нашрларидан бири — «Science Advances» журналида чоп этилди.

Радиокарбон таҳлиллари топилмалар милoddан аввалги



1940 — 1765 йилларга мансублигини кўрсатди. Бу эса Сополлитепадан топилган пилла парчалари қарийб тўрт минг йиллик тарихга эга эканини билдиради ва ҳозирча илм-фанга маълум бўлган энг қадимги хонаки ипак курти пиллалари сифатида қайд этилди.

Тадқиқот давомида ўша маданий қатламдан тут дарахти қолдиқлари ҳам топилгани алоҳида аҳамиятга эга. Чунки тут барги хонаки ипак куртининг асосий озукаси ҳисобланади. Пилла ва тут қолдиқларининг бир жойда аниқланиши Сополлитепа аҳолиси ипакни тайёр маҳсулот сифатида қабул қилмаганини, аксинча, ипакчилик билан шу ернинг ўзида шуғулланганини кўрсатади.

Энг муҳими, ушбу кашфиёт Марказий Осиёда ипакчилик аънаёни ва технологиясини илгари таҳмин қилинганидан қарийб икки минг йил аввал, яъни бронза давридаёқ шаклланиганини исботлайди.

«Халқ сўзи».

ЯНГИЛИКЛАР хабарлар

ТАФСИЛОТЛАР

Миронқулга бир келиб-кетинг

Самарқанд туманидаги Миронқул қишлоғида янги дам олиш маскани иш бошлади. Умумий лойиҳа қиймати 22 млн. АҚШ доллари бўлган мажмуада 160 ўринли меҳмонхона, қишки ва ёзги чўмилиш ҳавзалари, соғломлаштириш маркази, сайр йўлаклари барпо этилган. Туризм маскани иш бошлаши билан 150 та доимий иш ўрни яратилди.

Ушбу лойиҳа доирасида мажмуага борадиган 4 километр автомобиль йўлига асфальт ётқизилди, иккита кўприк қурилди. Худудда экологик муҳитни яхшилашга алоҳида эътибор қаратилиб, 50 мингдан ортқ манзарали дарахт ва буталар экилди. Уларни суғориш учун 15 километр масофадан бўлоқ суви тармоғи тортилиб, томчилатиб суғориш тизими йўлга қўйилди.



Мажмуанинг очилиш маросимида таъкидланганидек, бундай лойиҳалар Самарқанд вилоятининг туризм инфратузилмасини янги босқичга олиб чиқиш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратиш орқали ҳудуд иқтисодиёти ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшади.

Абдулозиз ЙЎЛДОШЕВ («Халқ сўзи»).

Жигачи мўъжизаси

Яқин-яқингача Жигачининг замонавий микромаркази бўлади дейилса, бунга кўпчилик ишонмасди. Қарангки, юртимизнинг энг чекка гўшаларидан бири саналган Қорақўлдаги бу маҳаллада ҳам ўзига хос меъморий ечимга эга маскан барпо этилмоқда.



Салкам бир гектар майдонда қад ростлайдиган микромарказнинг қиймати 6,5 млрд. сўм бўлиб, лойиҳага кўра, 12 та замонавий савдо ҳамда умумий овқатланиш шохобчиси, 2 та маиший хизмат кўрсатувчи маскан барпо этилади. Сўнғий қопламали мини-футбол майдони, тиббиёт пункти, кутубхона, автотураргоҳ қурилади. Сайр қилиш учун йўлақлар, тунги ёритиш чироқлари, гулзорлар марказ кўрмига кўрк қўшади.

Айни чоғда бу ер нафақат кўнғулочар гўша, балки аҳоли бандлигини таъминлаб, тадбиркорлиқни ривожлантирувчи маскан вазифасини ҳам ўтайди. Ҳисоб-китобларга қараганда, 60 та янги иш ўрни юзага келади. Аҳолига йилига 4,8 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилади.

Туман марказидан 30 километр олдига жойлашган Жигачи маҳалласида 3 минг нафардан зиёд фуқаролар истикомат қилмоқда. Дарвоқе, микромарказни йил якунига қадар фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Нурафшонда топилган хум

Деҳқонбод маҳалласида яшовчи Ёқубжон Худойбергенов томонидан топилган қадимий хум қўлда сополни минг даража иссиқликда қиздириш орқали ясалгани айтилмоқда.



— Ёқубжон аънавий қулоччилиги услубида ясалган хумнинг баландлиги — 95, қорин диаметри — 65, таг қисми — 32 ва оғиз қисми 35 сантиметр экани аниқланди. Таркибида қизғиш лой топилган мазкур хум тахминан 1890 — 1930 йиллар оралиғида ясалган бўлиши мумкин, — дейди Тошкент вилояти Маданий мерос бошқармаси бош мутахассиси Муҳаммад Бегмуродова.

Нурафшон шаҳридан топилган хум Олмалиқ ўлка-шунослик музейига экспонат сифатида топширилди. Бунинг сабаби шундаки, ҳозирча Нурафшонда музей мавжуд эмас.

Отабек ИСРОИЛОВ («Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Инновацион ривожланиш ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасининг раиси И. Абдуллаевга акаси Рустамбой АБДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқни рўйхатдан ўтказиш жараёни тўлиқ онлайн шаклга ўтказилади. Натижада йилига 500 мингта аризани амалдаги 10 — 15 кун ўрнига бир неча сонияда рўйхатдан ўтказиш имконияти яратилади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 842. 19 387 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоли келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; қотибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.



Таҳририятга келган кўлаёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг муаллиф берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфия ҳижатдан сифатли чоп этилиши "Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси маъсул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5 6